

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 30.08.2018. Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РИЗОЕВА МЕҲРИНСО АБДУАЗИЗОВНА

ЎЗБЕК ХАЛҚ МИФОЛОГИК АФСОНАЛАРИ
(ўзига хос хусусиятлари, таснифи ва образлар тизими)

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

УЎК:398.221(=512.133)(043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Ризоева Меҳринисо Абдуазизовна

Ўзбек халқ мифологик афсоналари (ўзига хос хусусиятлари, таснифи ва образлар тизими).....5

Ризаева Меҳринисо Абдуазизовна

Узбекские народные мифологические легенды (специфические особенности, классификация и система образов).....29

Rizoeva Mehriniso Abduazizovna

Uzbek folk mythological legends (specificity, classification and image system).....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....57

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 30.08.2018. Fi1.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РИЗОЕВА МЕҲРИНСО АБДУАЗИЗОВНА

ЎЗБЕК ХАЛҚ МИФОЛОГИК АФСОНАЛАРИ
(ўзига хос хусусиятлари, таснифи ва образлар тизими)

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Fil911 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tai.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жўраев Маматқул

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ўраева Дармон Саидахмедовна

филология фанлари доктори, профессор

Жўрақўзиев Нодирбек Имомқўзиевич

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-14; e-mail: uztafi@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин. (Манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Т.Мирзаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., академик

Л.Худайқулова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.

Ш.Турдимов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фольклоршунослигида мифологиянинг бадиий тафаккур тарихида тутган ўрни, мифик образлар генезиси ҳамда мифологик архетипларнинг халқ эпоси ва ёзма адабиёт поэтик контекстидаги функционал-семантик талкинларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мифнинг халқ насри жанрлари тизимига таъсири ва бадиий матндаги поэтик функцияларини тадқиқ этиш орқали неомифологизм назариясининг асосланганлиги мифологик қарашларнинг миллий ўзига хослиги ва миф поэтикасини ўрганишни янада жадаллаштирди. Миф ва унинг халқ оғзаки ижодига диффузияланиши жараёнини ўрганиш натижасида олинган назарий умумлашмалар ўзбек фольклоридаги мифологик афсоналар генезиси ва образлар тизимини тадқиқ этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги замон дунё фольклоршунослигидаги мифологик афсоналарнинг генетик асослари ва сюжет тизимининг шаклланиш тарихини ёритишга қаратилган тадқиқотларда космогоник, антропогоник, этиологик ва эсхатологик афсоналарнинг ўзаро муштарак ҳамда фарқли жиҳатлари ойдинлаштирилди. Натижада миф ва афсонанинг ўзаро тарихий-ворисий алоқадорлиги ҳақидаги назарий қарашлар янги далиллар билан бойитилди ҳамда мифологик афсоналар таснифи мукамаллаштирилди. Бинобарин, мифшуносликдаги ана шундай янги назарий қарашларни туркий, шу жумладан, ўзбек фольклоршунослигига татбиқ этиш асосида оғзаки наср жанрларининг манбалари, келиб чиқиш тарихи ва бадиий эволюцияси жараёнлари хусусида кенг кўламли тадқиқотлар олиб бориш имкони юзага келди.

Бугунги кунда ўзбек халқ ижодида ифодаланган эзгу ғояларни кенг тарғиб қилиб, ёш авлодни буюк аждодларимизнинг маънавий қадриятлари руҳида тарбиялаш муҳим амалий аҳамиятга эга. Мамлакатимиз миқёсида «халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини тиклаш, буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, муқаддас қадамжоларини обод қилиш, ёш авлодни уларнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди ва изчил давом эттирилмоқда»¹. Халқимиз томонидан яратилган ва асрлар мобайнида кўз қорачиғидай сақлаб келинган фольклор асарлари, жумладан, мифологик афсоналарнинг спецификаси, таснифи, генезиси ва поэтикаси масалаларининг ўрганилиши ҳам миллий бадиий тафаккурнинг ўзига хослигини ёритишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, «Ўзбекистон Республикасини янада

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // «Халқ сўзи». – Тошкент, 2017, 25 май.

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сон, 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПҚ-3271-сон қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги ВМҚ-222-сон, 2018 йил 26 апрелдаги «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ВМҚ-304-сон қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XXI асрда жаҳон фольклоршунослигида афсона жанрининг ўзига хос хусусиятлари² ва мифнинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни³ масаласини ўрганишга қизиқиш кучайди. Миф ва мифологик афсоналарни тадқиқ этиш борасида тўпланган илмий қарашлар умумлаштирилди.⁴ Хусусан, Ю.М.Муртузалиев, Н.М.Қурбонхонова, А.Тайшанўғли, Ш.Ибраевкаби олимларнинг ишларида⁵

² Бу ҳақда қаранг: Шеваренкова, Ю.М. Русская народная легенда в ее жанровых разновидностях: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Ижевск, 2002. – 24 с.; Ланская Ю.С. Американская городская легенда в контексте постфольклорной: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Нижний Новгород, 2006. – 24 с.; Басаев Д.Э. Калмыцкие народные легенды и предания: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Элиста, 2009. – 24 с.; Алиева Э.М. Этнонациональные особенности даргинских преданий и легенд: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Махачкала, 2010. – 24 с.

³ Қаранг: Малеева М.А. Миф как социокультурный феномен: Автореф. дисс. канд. филос. наук. – Черкесск, 2005. – 24 с.; Макарова А.К. Мифология как способ бытия современного общества: онтологические аспекты: Автореф. дисс. канд. филос. наук. – Магнитогорск, 2007. – 24 с.; Раздьяконова Е.В. Миф как реальность и реальность как миф: мифологические основания современной культуры: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Томск, 2009. – 24 с.

⁴ Халидова М.Р. Отражение мифологических воззрений в легендах и преданиях народов Дагестана // Жанры фольклора народов Дагестана. – Махачкала, 1979. – С.180-207; Шу муаллиф. Мифологический и исторический эпос народов Дагестана Махачкала, 1992. – 274 с.; Давидюк В.Ф. Украинская мифологическая легенда и ее эволюция: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Минск, 1986; Халипаева И.А. Мифологическая проза кумыков: Исследование и тексты. – Махачкала, 1994; Кариева Л.А. Татарская мифология (В историко-сравнительном и типологическом аспекте): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Казань, 1999

⁵ Муртузалиев Ю.М. Мифологическая проза табасаранцев: сюжеты и образы: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Махачкала, 2008; Курбонхонова Н.М. Мифы о животных и птицах в фольклоре населения Горного Бадахшана: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Душанбе, 2006; Тайшанули А. Типология казахских и

мифологик афсоналарнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида жиддий илмий қарашлар илгари сурилган.

Ўзбек фольклоридаги мифологик афсоналар илк бор К.Имомов томонидан илмий тавсифланган⁶ ва бу тип афсоналарнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.⁷ Мифологик афсоналарни илк бор тасниф қилган фольклоршунос М.Жўраев тадқиқотларида самовий (космогоник) мифология ва халқ тақвими билан боғлиқ мифологик афсоналар талқинига доир фикрлар баён этилган.⁸ Араб-ўзбек мифологиясининг қиёсий таҳлили ҳамда «Авесто»нинг ўзбек фольклорига таъсирини ўрганишга доир монографик тадқиқотларда ҳам мифологик афсоналар таҳлил қилинди⁹. Шунингдек, У.Жуманазаровнинг қадимги культлар ва уларнинг афсона жанрига оид матнлардаги талқинига бағишланган монографиясида мифологик наср намуналари ҳам ўрганилган¹⁰. Кейинги йилларда М.Раҳмонованинг ўзбек халқ афсоналари поэтикасига доир тадқиқотлари¹¹ ҳамда Г.Қалбаева, А.Бекимбетовларнинг қорақалпоқ афсоналари тадқиқига доир илмий ишлари¹² юзага келди.

Юқоридаги қисқача таҳлил шуни кўрсатадики, ўзбек халқ мифологик афсоналари ҳозирга қадар тўла тўплаб нашр этилган ва яхлит бадиий тизим сифатида тадқиқ этилган эмас. Бу эса мифологик афсоналарнинг ўзига хос хусусиятларини ойдинлаштиришга имкон берадиган специфик хоссаларни аниқлаш, бу тип афсоналарнинг тарихий асосларини очиб бериш, уларнинг мукамал таснифини яратиш, сюжет қурилиши, мотивлар ва образлар таркибини монографик йўсинда ўрганишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институти “Ўзбек адабиёти” кафедрасининг “Ўзбек фольклори ва адабиётини ўрганишнинг янгича тамойиллари” ва “Ўзбек халқ педагогикаси

монгольских мифов (на примере этиологических, космогонических мифов): Автореф. канд. филол. наук. – Алмата, 2008. – С.8-11; Ибраев Ш. Қазақтың мифтери ве мифик аңыздары // Қазақтың мифик ангимелери. – Алмата: Ғылым, 2001. – Б.3-11

⁶ Имомов К. Афсона // Ўзбек фольклори очерклари. 3томлик.2-том. – Тошкент: Фан, 1989. – Б.6-10.

⁷ Имомов К. Этиологик афсоналар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2003. – 6-сон. – Б.42-44; Шу муаллиф. Мифологик афсоналар // Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.24-45.

⁸ Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари. – Тошкент, Фан, 1995; Шу муаллиф. Ўзбек халқ тақвими ва мифологик афсоналар. – Тошкент, 1994; Шу муаллиф. Миф // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-том. – Тошкент, 2003. – Б.29-30; Шу муаллиф. Мифологик образлар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-том. – Тошкент, 2003. – Б.30; Шу муаллиф. Мифология // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-том. – Тошкент, 2003. – Б.30-31; Шу муаллиф. Палеоосиё мифологик сюжетлари ва уларнинг археофольклористик талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2006. – 5-сон. – Б.15-21; Шу муаллиф. Фольклоршунослик асослари. – Тошкент: Фан, 2009. – Б.75-96

⁹ Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Тошкент: Фан, 2001; Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006.

¹⁰ Жуманазаров У. Тарих, афсона ва дин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990.

¹¹ Раҳмонова М. Ўзбек халқ афсоналарининг бадиияти. – Тошкент: Фан, 2009. – 132 б.; Шу муаллиф. Миф, афсона ва талқин. – Навоий, 2015. – 102 б.; Шу муаллиф. Ўзбек халқ афсоналарининг бадиияти: Филол. фанлари докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 90 б.

¹² Қалбаева Г. Қорақалпоқ халқ афсоналари (генезиси, жанрий хусусиятлари, таснифи): Фалсафа фанлари бўйича филол. д-ри (PhD) дисс ... автореф. – Тошкент, 2019; Бекимбетов А. Қарақалпоқ фольклоринда миф жанры // ЎзР ИА ҚБ Хабаршысы. – Нөкис, 2014. – №4. – Б. 70-71.

ва фольклор анъаналари” мавзусида олиб борилаётган илмий тадқиқотлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек халқ мифологик афсоналарининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда архаик мифларнинг афсона жанри такомиллида тутган ўрнини ёритиш асосида халқ насри жанрларининг генезисини ойдинлаштириш, мифологик афсоналарни мавзу типларига кўра таснифлаш ва образлар силсиласининг бадиий эволюциясини тадқиқ этишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миф ва афсона жанрининг ўзаро ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларини ойдинлаштириш;

кадимги мифларнинг афсона жанри генезисида тутган ўрни ва эпик жанрларга диффузияланиш жараёнини очиб бериш;

ўзбек халқ мифологик афсоналарининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

мифологик афсоналарни мавзу қамровига кўра типларга ажратиш ва таснифлаш;

одам, жониворлар ва ўсимликларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги мифологик афсоналарнинг сюжет қурилиши ва мотивлар таркибини тадқиқ этиш;

мифологик афсоналар сюжет тизимининг тадрижий ривожини босқичларини кўрсатиш;

ўзбек халқ афсоналаридаги мифологик образларнинг эпик табиатини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти фольклор архивида сақланаётган мифологик афсоналар, афсоналарнинг турли манбалар ва тўпламларда чоп этирилган намуналари, шунингдек, диссертантнинг 2008-2009 йилларда Навоий ва Бухоро вилоятларида ўтказган фольклор экспедицияларида тўпланган материаллари жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек халқ мифологик афсоналарининг жанр хусусиятлари, миф ва афсона муносабати, миф диффузиясининг эпик жанрлар бадиий эволюциясида тутган ўрни, мифологик насрнинг сюжет тизимидаги эпик мотивлар поэтикаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, этнофольклористик, матний таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек фольклоршунослигида биринчи марта мифларнинг «десакраллашиши», яъни муайян эътиқодий қарашни ифода этувчи муқаддас матн сифатидаги ўз аҳамиятини йўқотиши натижасида асотирий матнларнинг ифода усули ва ижро шакли асосида афсона жанри юзага келганлиги далилланган;

мифологик афсоналарининг тарихий асослари қадимги давр фольклори билан бевосита боғлиқлиги ҳамда миф билан афсона жанри ўртасида тарихий-ворисий алоқадорлик мавжудлиги, яъни борлиқни мифологик тасаввурлар воситасида идрок этиш ўрнига ҳаётий воқелиқни поэтик кўчим ва бадий образлар орқали тасвирлаш анъанасининг шаклланиши натижасида афсона жанри юзага келганлиги асосланган;

тингловчига табиат ва жамият билан боғлиқ муайян тушунчалар ҳақидаги муайян ахборотни етказиш ҳамда нарса-ҳодисалар моҳиятини изоҳлаб бериш мақсадида айтилиши ва асосан фабулатив шаклда оммаланиши каби белгиларига кўра миф ва мифологик афсоналар муштараклик касб этса-да, генетик асосларига кўра инсоният дунёқараши ва тафаккури тарихининг турли босқичларига мансублиги жиҳатидан фарқланиши кўрсатилган;

матнда ҳаётий воқелиқ ҳаёлий уйдирма воситасида фантастик акс эттирилиши, муайян ахборот-маълумотни етказиш мақсадида айтилиши, мифологик тасаввурлар ва қадимий инонч-эътиқодларнинг ифодаланиши, образлар талқинида мифологик персонажларга хос белгиларнинг устуворлик қилиши мифологик афсоналарнинг ўзига хос хусусиятлари эканлиги ойдинлаштирилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек халқ мифологик афсоналари мавзу қамровига кўра тасниф қилиниб, космогоник, антропогоник, тақвимий, зоонимик, фитонимик, манистик ва эсхатологик афсоналарга бўлиниши исботланган;

мифологик афсоналардаги образлар тизимининг тадрижий ривожини тотемистик (зоофитоморф) образ → антропоморфик мифологик образ → эпик (бадий) образ босқичларидан иборат изчил жараёни ўз ичига қамраб олганлиги аниқланган;

мифологик афсоналарнинг тарихий асослари миф диффузиясининг тадрижий ривожини билан бевосита боғлиқлиги далилланган;

ўзбек халқ мифологик афсоналарининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга асос берадиган фольклор материаллари таҳлил объекти сифатида тадқиқотлар амалиётига жорий этилган;

ўзбек фольклорида мифологик афсоналар билан боғлиқ мифологик тасаввурлар тизими туркий халқларнинг архаик мифологиясини тадқиқ этишда ҳам муайян фактик асос вазифасини ўташи исботланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўйилган масаланинг аниқлиги, чиқарилган хулосаларнинг тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, этнофольклористик, матний таҳлил усуллари билан асосланганлиги, афсоналарнинг ўзига хос хусусиятлари ва образлар тизимини асослашда экспедициялар жараёнида тўпланган материаллар ҳамда ишончли архив манбаларига таянилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар ўзбек фольклоршунослигида мифологик афсоналарнинг ўзига хос

хусусиятларини илмий жиҳатдан ўрганилиши ва тадқиқ қилиниши, аجدодларимизнинг кўп асрлик ҳаёт йўллари, турмуш тарзи, урф-одат, анъаналари билан бирга руҳий-маънавий дунёсини чуқурроқ танишга йўл очади. Мифологик афсоналарнинг генезиси ва ўзига хос табиатини ёритиш асносида чиқарилган назарий умумлашмалар туркий халқлар фольклоридаги мифологик наср намуналарини қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этиш учун асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўзбек фольклорида мифологик афсоналар билан боғлиқ материаллардан олий ўқув юртларида халқ оғзаки ижоди фанидан маърузалар ўқишда, магистратура босқичида мифология бўйича махсус курслар ўтишда, турли босқичдаги таълим тизимида дарс машғулотларини олиб боришда, ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мифологик афсоналарнинг ўзига хос хусусиятлари, етакчи мезонлари, таснифи ва образлар тизимини ўрганиш давомида эришилган илмий натижалар асосида:

кадимги туркийлар мифологиясида одамнинг яратилиши ҳақидаги тасаввурлар ва ер юзида яратилган дастлабки одамлар тўғрисидаги мифик қарашларига бориб тақаладиган антропогоник афсоналарнинг юзага келиши, роли ва вазифаларига оид назарий умумлашмалардан Навоий давлат педагогика институтида амалга оширилган ХТ-Ф-2-004 рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” (2008-2010) мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 ноябрдаги 89-03/4439-рақамли маълумотномаси). Натижада, мифологик сюжетлар асосида юзага келган фольклор асарларида ўз ифодасини топган ахлоқий-дидактик қарашларнинг ёш авлодни миллий кадриятлар руҳида тарбиялашдаги ролига доир назарий хулосалар такомиллаштирилган;

мифологик афсоналарнинг ўзига хос сюжет тизими ва образлар силсиласининг тарихий-генетик асослари ҳамда бадиий эволюциясига доир илмий-назарий хулосалардан Навоий давлат педагогика институтида амалга оширилган Ф1-ХТ-0-19919 “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётидаги ўрни” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 ноябрдаги 89-03/4439-рақамли маълумотномаси). Натижада, ўзбек халқ мифологик афсоналарининг ёзма адабиётга таъсири, жумладан, мифологик сюжетларнинг ҳозирги ўзбек романлари композицион қурилишидаги поэтик вазифаларини ойдинлаштиришга эришилган;

диссертантнинг афсона жанрига мансуб матнларнинг номоддий маданий мерос намунаси сифатидаги аҳамияти, жониворлар ва ўсимликларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги мифологик афсоналарнинг қадимий илдизларига оид илмий-назарий қарашларидан Навоий вилоят телерадиокомпаниясининг “Маънавият сарчашмаси”, “Долзарб мавзу”, “Адабий муҳит”, “Маънавият

гулшани” сингари телекўрсатув сценарийларини шакллантиришда фойдаланилган (Навойи вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 21 ноябрдаги 01-02/244-сонли маълумотномаси). Натижада ўзбек фольклорида ўз ифодасини топган умуминсоний кадрятлар ва эзгу ғоялар жамоатчилик орасида кенг тарғиб этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 9 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 3 та халқаро ва 6 та республика илмий конференцияларида ўқилган маърузаларда жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация натижалари бўйича жами 16 та илмий иш эълон қилинган, шулардан Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 140 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Мифологик афсоналар генезиси**» деб номланиб, унинг илк фасли «**Миф ва афсона**» муносабати масаласига бағишланган.

Маълумки, қадимги мифлар ўзининг оммалашуш тарзи, яъни ҳикоявий усулда ижро этилишига кўра афсона жанрига яқин турган. Фольклоршунос олим Б.Саримсоқов ўрта аср мифларининг муҳим белгиларидан бири «ҳамма вақт афсона шаклида, яъни эстетик код орқали яшаш ва тарқалиш»¹³ эканлигини қайд қилар экан, мифология тарихий-фольклорий жараённинг тараққиёти давомида ўзининг ижтимоий онг шаклларида бири сифатидаги хусусиятларини афсона жанрининг эпик шакли воситасида намоён этганлигини тасдиқлайди. Самовий афсоналарнинг шаклланишида миф илк семантик асос вазифасини ўтаганлигини эътироф этган М.Жўраев ўзбек халқ

¹³ Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси. – Б.142.

афсоналарининг юзага келиши ва тадрижий тараққиёти “хаётий воқелик → миф → афсона” босқичларидан иборатлигини аниқлаган¹⁴.

Афсона жанри мифларнинг сюжет қурилиши, ижро усули ва хаётий-маиший вазифаларини ўзида мужассам этган бўлса-да, айти пайтда қадимий миф ижодкорлиги ҳамда ижрочилиги анъаналарининг бевосита давоми эмас. Яъни “афсона жанри қадимги мифнинг бевосита такрори ёки нусхаси эмас, воқеликни изоҳлаш ва талқин қилишнинг янги усули маълум маънода мифологик дунёқарашнинг инкори сифатида юзага келган. Шундай экан, мифологик сюжетлар тўғридан-тўғри афсонага айланмаган, яъни афсона мифологик тасаввур усулини бутунлай инкор этгани ҳолда унинг элементларини ўзига сингдириб юборган”¹⁵.

Афсона ўзининг эпик жанр намунаси сифатидаги хаётий-маиший вазифаларини ҳам мифдан олган, яъни бу жанр миф билан бевосита функциядошдир. Миф қадимги одамнинг олам ҳақидаги ибтидоий тасаввурлари йиғиндиси бўлганлиги учун унинг асосий функцияси кишиларга муайян ахборотни етказиш, воқеликдаги у ёки бу ҳодисанинг сабабини изоҳлаш, тушунтиришдан иборат бўлган. Миф ижодкорлиги таназзулга юз тутиб, унинг ўрнини бадиий ва эпик тафаккур анъанаси эгаллагач, ана шу функционал хосса бутунча афсона жанрига кўчган. Афсоналар айтувчи ва тингловчи томонидан ҳаётда бўлган воқеа баёни деб қабул қилинган у ёки бу факт, маълумот ҳақидаги ахборотни етказиш мақсадида айтилади.

Қадимги маданиятнинг асосини ташкил этган мифларнинг асосий моҳияти афсона жанрининг муайян бир силсиласи ҳисобланган мифологик афсоналар орқали яшашда давом этаверган. Оламнинг яратилиши, хаос ва космос ўртасидаги кураш, наботот ва ҳайвонот дунёсининг пайдо бўлиши, осмон ёритқичлари ва табиат ҳодисаларининг ибтидоси ҳақида ҳикоя қилувчи мифологик афсоналар қадимги мифларнинг халқ оғзаки бадиий ижодида сақланиб қолган диффузион шаклидир.

Мифнинг фольклор жанрига трансформацияланиши, яъни мифологик афсона сифатида «қайта» функциялашувига архаик мифларга хос бўлган муқаддаслик хусусиятининг йўқолиши, миф билан маросим ўртасидаги узвий алоқа узилиши (чунки қадимги мифлар маросимларнинг таркибий қисми сифатида рамзий аҳамият касб этган), воқеликни онгсиз англаш ўрнига борлиқнинг онгли равишда бадиий идрок этиш анъанасининг шаклланиши (яъни «хаёлий уйдирма»нинг келиб чиқиши) сабаб бўлган.

Мифологик тасаввурларнинг афсона жанрида ўз ифодасини топиши «мифологик код ўрнига ижтимоий-эстетик коднинг тикланиши, мифологик табунинг ижтимоий табу сифатида қабул қилиниши, мифологик символнинг поэтик кўчимга айланиши, мифологик субъектнинг бадиий образга

¹⁴ Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари. Филол. фанлари докт. дисс. – Тошкент, 1996. – Б.53.

¹⁵ Ўша манба. – Б.53.

айланиши»дан иборат диффузион жараён»¹⁶ тарзида рўй берган. Мифнинг ифода усули ва шаклларида рўй берган структурал ўзгаришлар афсона жанрининг келиб чиқиши учун замин ҳозирлаган. Демак, мифологик афсоналар олами бадиий сўз воситасида образли идрок этиш анъанасининг шаклланиши натижасида миф ижрочилиги ва иждокорлигининг бевосита давоми ўлароқ мифнинг ҳикоявий шаклдаги фабулатив талқини сифатида юзага келган.

Биринчи бобнинг «**Мифологик афсоналарнинг ўзига хос табиати**» деб номланган иккинчи фаслида мифологик афсоналарнинг қадимги миф ва эътиқодий қарашлар тизими билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил қилинган.

Туркий халқлар фольклоршунослигида мифологик афсоналарнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида бир неча хил илмий қарашлар илгари сурилган.¹⁷ Жумладан, К.Имомовнинг фикрича, «мифологик афсоналар тузилишига кўра синкретик характерга эга бўлиб, ўзларида миф ва эртак жанрига хос белгиларни ташиди...Сюжет фантастик уйдирма асосига қурилиб, фантастик конфликт ечимида ҳал қилувчи роль ўйнайди»¹⁸. Мифологик афсоналар ўзининг бир қатор белгиларига кўра муайян жой номининг келиб чиқиш сабабларини изоҳловчи топонимик афсоналар ҳамда реал ҳаётининг асосларга эга бўлган воқеа-ҳодисалар ва халқимиз ўтмишида муҳим ўрин тутган буюк шахслар ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий афсоналардан фарқланиб туради.

Мифологик афсоналар қадимги тасаввурлар ва эътиқодий инончларни ўзида мужассамлаштирган сюжет тизимига эга бўлиб, бундай архаик инончлар ислом дини ғояларига бўйсундирилган ва жамиятнинг ахлоқий-этик мезонларини ифодалаш воситаси сифатида талқин қилинган.

Мифологик афсоналарда аждодларимизнинг космогоник (самовий) мифологияси ва юлдузлар тўғрисидаги астраль қарашлари ифода этилади. Бу тип афсоналарда коинотдаги самовий жисмлар, осмон ёритқичлари, ой, қуёш, юлдузлар, турли-туман табиат ҳодисалари, ер юзидаги наботот ва ҳайвонот оламининг пайдо бўлиши, юзага келиши сабаблари изоҳланади. Масалан, ой юзидаги доғнинг пайдо бўлиши ҳақидаги халқ қарашлари Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида яшовчи Турсунбой Жалиловдан ёзиб олинган мифологик афсонада шундай баён қилинади: «Ой ўзининг гўзаллиги, одоблиги ва камтарлиги билан Қуёшдан фарқланиб турар экан. Шунинг учун Ойнинг ошиғи кўп экан-у, одамлар Қуёшни унчалик назар-писанд қилмас экан. Бунга чидай олмаган Қуёш бир куни Ой билан урушиб қолибди-да, унинг юзига бир сиқим кул сепиб юборибди. Ой нима қиларини билмай, доғ бўлиб қолган юзини қўллари билан яширганча, йиғлаб ўтирган экан, қаердандир унинг олдига шамол келиб қолибди. У Ойга: «Ҳа деб

¹⁶ Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.97-140.

¹⁷ Халидова М.Р. Отражение мифологических воззрений в легендах и преданиях народов Дагестана // Жанры фольклора народов Дагестана. – Махачкала, 1979. – С.180-207; Халипаева И.А. Мифологическая проза кумыков: Исследование и тексты. – Махачкала, 1994; Кариева Л.А. Татарская мифология (В историко-сравнительном и типологическом аспекте): Автореф. дис... канд. филол. наук. – Казань, 1999.

¹⁸ Имомов К. Афсона // Ўзбек фольклори очерклари. 2-том. – Тошкент: Фан, 1989. – Б.6.

йиғлайвергандан фойда йўқ, ундан кўра мана бу игналарни олгин - да, Куёшнинг юзига қараб от. Токи ҳеч ким унинг бетига қарай олмасин!» дебди. Ой шамолнинг айтганини қилиб, игналарни Куёшнинг юзига сочиб юборибди. Шунда Куёш шунчалик нурланиб кетибдики, қараганларнинг кўзини камаштирар, ҳеч ким унинг юзига тик боқмас экан»¹⁹.

Бу мифологик афсона осмон ёритқичларининг пайдо бўлиши ва уларга хос айрим белгиларнинг юзага келиши сабабларини изоҳлашга қаратилган қадимги космогоник миф талқинларини ўзида ифода этади.

Мифологик афсоналар сюжети муайян нарса-ҳодисаларнинг яратилиш жараёнини тушунтириш, изоҳлашга хизмат қилувчи этиологик мазмунни ифодалаши билан характерланади. К.Имомов тўғри қайд этганидек, «бу хил ҳикояларни ташкил этган мотивлар, илоҳий ҳодисалар яратиш табиати билан ажралиб туради. Бу хусусият тадқиқ этилган афсоналарнинг хусусий сифатлари, аниқловчи хоссаларидир».²⁰ Масалан, «Ойнинг доғи» афсонасида тунги ёритқичимизнинг ўзига хос кўриниши сабабларини хаёлий уйдирма воситасида изоҳланган. Қадимги одамлар аналогия усули воситасида ой юзасининг ердан кузатилганда доғсимон бўлиб кўринадиган соя жойларини ерда мавжуд бўлган муайян нарса-ҳодисаларга ўхшатиш асносида мифологик афсонани яратганлар. Унда ой доғининг ҳеч ўзгаришсиз кўриниб туриши момонинг ип йиғириш ҳаракати сира тўхтамаслиги, тут қуримаслиги ва шу дарахтга боғлаб қўйилган кўчқор бўшаб кетмаслиги билан изоҳланади. Ғайритабиий туюлган самовий ҳодисани оддий деталлар орқали фантастик талқин қилиш асосида ўзига хос сюжет яратилган.

Мифологик афсоналарнинг сюжет қурилишида анъанавий эврилиш мотиви фаол иштирок этади. Эврилиш мотиви мифологик афсона сюжетининг композицион ўзаги ҳисобланади. Масалан, куёш ботишидан аввал мағрибда чиқиб, тез орада ботадиган юлдузлардан бирининг номи Умризоя бўлиб, халқ орасида бу юлдуз тўғрисида шундай афсона бор: «Қадимда бир қиз бир камбағал йигитни севиб қолган экан. Йигит ҳам қизни яхши кўрар экан. Кунларнинг бирида улар турмуш қуришмоқчи бўлибдиларда, йигит «Шу қизни менга никоҳлаб беринг!» - деб қозига борибди. Қози никоҳ ўқитмоқчи бўлиб келган қизнинг хуснини кўриб ошиқ бўлиб қолибди ва унга ўзи уйланмоқчи бўлибди. Ана шунда бокира қиз худога илтижо қилибди. Унинг илтижоси худога етиб, юлдузга айланибди ва осмонга учиб кетибди. Шунинг учун бу юлдузни Умризоя дейдилар»²¹. Қизнинг юлдузга айланиши мотиви одам жонининг юлдуз билан боғлиқлиги ҳақидаги анимистик қарашлар билан боғлиқ бўлиб, афсонада осмон жисмининг пайдо бўлишига сабаб қилиб кўрсатилаётган эврилиш мотиви ёвузликни қоралаш ва садоқатни улуғлашга хизмат қилади.

Мифологик афсоналарнинг сюжети ихчамлиги ва мотивлар таркибининг мураккаб бўлмаслиги билан характерланади. Масалан, «Тарози» юлдузи

¹⁹ Диссертантнинг фольклор экспедицияси материаллари. Навоий вилоятининг Навбахор туманидаги Молотов кишлоғида яшовчи Турсунбой Жалиловдан 2009 йил 24 майда ёзиб олинган.

²⁰ Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.26.

²¹ ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№1829. – Б.17.

тўғрисидаги мифологик афсонада айтилишича, «Тарози деган бу учта юлдузни худо ўлиб кетган одамларнинг гуноҳларини тарозига кўйиб ўлчаш учун яратган, дейдилар». Осмон жисмининг бир-бирига тенг масофада жойлашган уч юлдуздан иборатлиги уни тарозига ўхшатиш асосида мифопоэтик талқин қилиш имконини берган.

Бундан ташқари, диссертацияда мифологик афсоналар замон ва макон ўлчамларининг тарихий-этнографик жиҳатдан конкрет бўлмаслиги, сюжет таркибидаги мотивлар ғайритабиийликни, фантастик уйдирмани ифодалаши, персонажлар тизимининг мифологик моҳиятга эгаллиги билан ҳам ўзига хослик касб этиши кўрсатиб ўтилган.

Диссертация ишининг «**Мифологик афсоналар таснифи**» деб номланган иккинчи бобининг биринчи фасли «**Антропогоник афсоналар**»ни ўрганишга бағишланган.

Туркий фольклоршуносликда, халқ афсоналари, жумладан, унинг алоҳида бир типи ҳисобланган мифологик афсоналарни таснифлаш борасида бир қатор илмий қарашлар мавжуд²². Ўзбек фольклоршунослигида биринчи бўлиб миф ва афсона жанри муносабатини изчил тадқиқ этган филология фанлари доктори М.Жўраев мифологик афсоналарни мавзу йўналишига кўра, яъни тематик принцип асосида шундай тасниф қилган: 1) самовий (космогоник) афсоналар; 2) антропогоник афсоналар; 3) этногенетик афсоналар; 4) зооботаномик афсоналар: а) жониворларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги афсоналар; б) ўсимликларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги афсоналар²³. Олим халқ тақвими билан алоқадор афсоналарни ҳам “самовий афсона”ларнинг ички типларидан бири деб ҳисоблайди. Бизнинг фикримизча, қадимги халқ тақвими билан боғлиқ афсоналар бевосита осмон жисмлари, табиат ўзгаришлари билан алоқадор мифологик тасаввурлар асосида келиб чиққан бўлишига қарамасдан уларни “космогоник афсоналар” тизимида эмас, балки “мифологик афсоналар”нинг алоҳида мустақил типи сифатида тасниф қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Диссертацияда ўзбек халқ мифологик афсоналари мавзу қамровига кўра қуйидагича таснифланган: 1) космогоник афсоналар; 2) антропогоник афсоналар; 3) тақвим ҳақидаги афсоналар; 4) зоонимик афсоналар; 5) фитонимик афсоналар; 6) пир-ҳомийлар ҳақидаги манистик афсоналар; 7) эсхатологик афсоналар.

²² Баймырадов А. Туркмен фольклор прозасынын тарыхы эволюциясы. – Ашхабад: Ылым, 1982. – Б.27-28; Велијев В. Азербайжан фольклори. – Баку, 1985. – Б.272; Фарзалијев Т. Афсана анлајышы ва азербайжан афсаналаринин таснифина даир // Известия АН Аз.ССР. Серия литературы, языка и искусства. – Баку, 1978. – №1. – С.32-37; Короглы Х.Г. Мифы, легенды и предания народов Сибири (к проблеме взаимосвязи) // Фольклорное наследие народов Сибири и Дальнего Востока. – Горно-Алтайск, 1986. – С.85; Родионов В.Г. Вопросы жанровой классификации чувашского фольклора // Чувашский фольклор. Специфика жанров. – Чебоксары, 1982. – С.54-105; Байжигитов К. Кыргыз мифтери, уламыштеры жана легендалары. – Фрунзе, 1985. – Б.86; Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фанлари докт. дисс. – Тошкент, 1996. – Б.49.

²³ Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фанлари докт. дисс. – Тошкент, 1996. – Б.50.

Ўзбек халқ мифологик афсоналари тизимида одамнинг яратилиши, жасадга жоннинг киритилиши ва инсоннинг ўлими ҳақида ҳикоя қиладиган, шунингдек, ғайриоддий хусусиятга эга бўлган улкан гавдали қаҳрамонлар тўғрисидаги асарлар алоҳида ўрин тутати. Фольклоршуносликда бундай асарлар «антропогеник афсоналар» деб юритилади.²⁴ Ўзбек халқ антропогеник афсоналарини таҳлил қилиш асносида ер юзида яшаган биринчи одамнинг яратилиши тўғрисида икки хил сюжет типи мавжудлиги аниқланди:

1) **Қадимги туркий мифология билан боғлиқ антропогеник афсоналар.** Қадимги туркийлар мифологиясида одамнинг ўсимликдан яратилиши ҳақидаги тасаввурлар афсонавий қаҳрамон – димиург Улган ҳамда унинг укаси Эрлик фаолияти билан боғлаб тушунтирилган.

Одамнинг ўсимлик ёки дарахтдан яратилиши ҳақидаги мифологик тасаввурлар ўзбек фольклорида тўлиқ етиб келмаган бўлса-да, ўзбек халқ афсоналарида одам (ёки унинг бирор тана аъзоси)нинг ўсимлик (шу жумладан, дарахтга ҳам) айланиши мотиви учрайдики, бизнинг ўйлашимизча, эврилиш мотивининг бу кўриниши бевосита биринчи одамнинг яратилиши тўғрисидаги қадимги туркий мифларга боғланади. Демак, ўзбек халқ антропогеник афсоналарининг қадимий қатлами туркий қабилаларнинг ер юзида яратилган дастлабки одамлар тўғрисидаги мифик қарашларига бориб тақалган. Аммо бу мифик сюжетларнинг қадимий кўринишлари афсона жанри орқали етиб келмаган бўлиб, эртак, дoston ва бошқа жанрлардаги алоҳида эпик мотив ва бадиий деталлар тарзида сюжет қурилишига диффузиялашиб кетган.

2) **Ислom мифологияси сюжетлари асосида шаклланган антропогеник афсоналар.** Ўзбеклар орасида тарқалган мифологик афсоналарнинг барчасида ер юзида яшаган илк одам тупроқдан яратилганлиги айтилади. Бу афсона сюжетининг манбаи «Қиссаси Рабғузий» асарининг «Қиссаи Одам сафий алайҳиссалом» номли фаслида нақл қилинган ислomий ривоятдир. Ўзбек фольклорида одамнинг яратилиши тўғрисидаги антропогеник афсоналарнинг асосий сюжет типлари жаҳоннинг бошқа халқлари мифологиясида мавжуд бўлган ушбу мавзудаги асотир ва афсоналар билан муштарак негизга эга. Одам Атонинг тупроқдан яратилиши ҳамда Момо Ҳавонинг одам қовурғасидан бино этилиши тўғрисидаги афсоналар ислomий манбаларнинг ўлкамизга кенг ёйилиши натижасида юзага келган.

Мазкур бобнинг иккинчи фаслида «**Жониворлар ҳақидаги зоонимик афсоналар**»нинг қиёсий тадқиқи амалга оширилган. Туркий халқлар фольклорида жониворларнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги зоонимик

²⁴ Бу ҳақда қаранг: Иванов В.В. Антропогенические мифы // Мифы народов мира. Т.1. – М.: Советская энциклопедия, 1992. – С.87; Тайшанули А. Антропогеникалық мифтердегі ит символы және «ит жейде» салтының семантикасы (Қазақ пен моңғолдың фольклорлық материалдары бойынша) // Вестник АН Республики Казакстан. Серия языка и литературы. – Алмата, 2004. – № 5-6. – Б.63-69.

афсоналар кенг тарқалган бўлиб,²⁵ уларнинг ўзига хос хусусиятлари бу тип оғзаки насрий асарларда у ёки бу жониворнинг пайдо бўлиши, ҳайвонларнинг ранги-туси, тузилиши, тана аъзоларининг шакли билан боғлиқ муайян белги-хусусиятларнинг келиб чиқиши сабабларини изоҳлаш мақсадида ҳикоя қилиниши билан белгиланади. Бундай афсоналар сюжет тузилиши соддалиги, композицион жиҳатдан жуда ихчам, бир ёки бир неча эпизоддан иборат фабулат шаклида бўлиши ва эврилиш мотивининг устуворлик қилиши билан ажралиб туради.

Жониворларнинг пайдо бўлиши сабаблари қай тарзда изоҳланишига кўра зоонимик афсоналар қуйидаги типларга бўлинади:

I. Сюжети эврилиш мотиви асосига қурилган зоонимик афсоналар.

Зоонимик афсоналардаги эврилиш мотивининг тарихий асослари қадимги аждодларимизнинг тотемистик тасаввурлари билан ҳам боғланади. Таниқли фольклоршунос В.Я.Проппнинг ёзишича, «қадимги одам инсон ўлганидан кейин у қайси тотемга мансуб бўлса, кейинги ҳаётида ўша жонивор ёки нарсга айланади деб ишонган».²⁶ Фольклор асарларидаги эврилиш мотиви, яъни афсона ва эртак қаҳрамонларининг бир шаклдан бошқа шаклга ўтиши, ўз кўринишини ўзгартириши, жонли мавжудотдан жонсиз нарсга айланиши ва бошқа хилдаги «айланиш»лари тасвирланган эпик мотивларнинг тарихий-генетик асослари қадимги мифологиядаги ўзга оламга сафар тўғрисидаги эътиқодий қарашлар ва асотирий тасаввурларга бориб тақалади.

Ўзбек халқ зоонимик афсоналарининг асосий моҳиятини ташкил этувчи эврилиш мотиви, яъни одамнинг жониворга айланишидан иборат метаморфоза ҳодисаси ҳам халқимизнинг жоннинг одам танасидан ташқарида мавжуд бўлиши, яъни вафот этган кишиларнинг руҳи муайян жониворлар кўринишида яшашда давом этиши тўғрисидаги мифологик тасаввурларни ўзида акс эттирганлиги билан характерланади. Зоонимик афсоналарда эврилишга сабаб бўлган воқелик одамнинг қарғиш - дуойи бад орқали муайян жониворга айланиши тарзида талқин қилиниши кўп кузатилади. Жумладан, сақсақ деб аталувчи қушнинг пайдо бўлиши тўғрисида афсонада нақл қилинишича, «қадим замонларда бир тул хотин бўлган экан. Унинг икки ўғли бўлиб, болалигида улар жуда аҳил яшабдилар. Аммо улғайгач, ўзаро чиқиша олмай, бир-бирининг пайларини қирқишга интиладиган бўлиб қолишибди. Онаси уларга қанчалик насихат қилса ҳам барибир кор қилмабди. Охири бечора сабр косаси тўлиб: «Энди бошқа-бошқа яшанглар, лекин соғ-саломат юргангингни бир-бирингизга ҳар замонда хабардор қилиб билдириб туринглар», - деб ўғилларини уйдан чиқариб ҳайдаб юборибди. Шундан буён қоронғу тушиши билан тоғ водийсининг қарама-қарши томонида ака-уканинг “соқ-соқ” деган овозлари эшитиларкан,

²⁵ Тайшанули А. Типология казахских и монгольских мифов (на примере этиологических, космогонических мифов): Автореф. канд. филол. наук. – Алмата, 2008. – С.8-11.

²⁶Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. 2-ое издания. – Л.: Наука, 1986. – С.184-185.

бу ўша тул хотиннинг ўғиллари ўзларининг соғ-саломат эканликлари ҳақида бир-бирларини хабардор қилишлари эмиш»²⁷.

Маълумки, «Сақсақ» афсонасининг сюжети туркий халқлар орасида кенг тарқалган. Бу афсона сюжетининг ўзига хос миллий версияси бошқирд ва татар фольклорида ҳам мавжудлиги аниқланган²⁸.

Қушга айланган ака-укалар ҳақидаги афсонанинг ўзбек, бошқирд ва татар фольклоридаги версияларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг барчаси учун муштарак бўлган эпик элементлардан бири - онасини норози қилган болаларнинг қушга эврилиши ҳамда турли томонга учиб кетиши мотивидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, татар олимларининг бу қуш номини билдирувчи орнитонимни «сак» этноними билан боғлаб талқин қилишлари ва афсонанинг яратилиш даврини протуркийлар мифологиясига алоқадор деб ҳисоблашлари қизиқарли туюлади. Чунки ака-ука (Сақ ва Соқ)нинг икки тарафга кетиши аслида яхлит этник бирлашма сифатида шаклланган сак қабиласининг бўлиниши ва қадим юз берган қандайдир жаҳоний табиий офат (масалан, музлик даври бошланиши) натижасида иссиқ ўлкалар сари кўчиши – миграциясининг ифодаси бўлиши ҳам мумкин.

Зоонимик афсоналар сюжетининг марказида қарғиш туфайли эврилиш мотиви турса-да, бу тип оғзаки мифологик наср намуналарининг композицион қурилиши «қахрамон образининг антропоморф қиёфадаги талқини → жамиятга хос ижтимоий меъёрга амал қилмаслик ёки одоб-ахлоқ қоидаларининг қахрамон томонидан бузилиши → қарғиш → қахрамоннинг жониворга эврилиши» тарзидаги семантик қолип асосидаги сюжет элементларидан ташкил топиши характерлидир. Мифологик афсоналарнинг зоонимик типидида одамнинг қарғиш, дуойи бад ёки афсун-авраш, хуллас, сўз сеҳри воситасида ўз кўринишини ўзгартириб, жониворга айланиши етакчи сюжет элементи мақомига эга бўлган композицион бирлик ҳисобланади.

Шунингдек, диссертацияда одамнинг афсун воситасида жониворга эврилиши ҳамда худога илтижо қилган одамнинг жониворга айланиши мотиви асосида қурилган зоонимик афсоналар ҳам таҳлилга тортилган.

II. Сюжетида эврилиш мотиви мавжуд бўлмаган зоонимик афсоналар. Жониворларнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги ўзбек халқ зоонимик афсоналари орасида сюжети эврилиш мотиви асосига қурилмаган матнлар ҳам учрайди. Диссертацияда ана шу типга мансуб зоонимик афсона намунаси сифатида эшакнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги афсона матни таҳлилга тортилган. Бу зоонимик афсона ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодига араб-ислом мифологияси таъсири жараёнида шаклланган антропогеник мифлардан бири—Одам Ато билан Момо Ҳавонинг саргузаштлари тўғрисида ҳикоя қилувчи эпик матннинг эпик ривожини натижасида юзага келган. Бунда

²⁷ Базарова Д.Х. История формирования и развития зоологической терминологии узбекского языка. – Ташкент: Фан, 1979. – С.12-13.

²⁸ Ишбердин Э.Ф. Наименования птиц в башкирских говорах // Вопросы башкирского языкознания. – Уфа, 1973. – С.154; Ризванов Р.М. О древности сюжета легенды «Сак и Соқ» // Идель. – Казань, 2008. – №4. – С.34.

анъанавий сюжетга шайтоннинг Одамга душманлиги ҳақидаги мавзунинг кўшилиши янги эпик матннинг келиб чиқишига асос бўлган.

Иккинчи бобнинг **“Ўсимликлар ҳақидаги фитонимик афсоналар”** деб номланган учинчи фаслида ўсимликларнинг пайдо бўлиши уларнинг муайян белги-хусусиятларини изоҳлаш мақсадида яратилганлиги далилланган.

Турли-туман ўсимликлар, дарахтлар ва бутасимонларнинг пайдо бўлиши сабабларини изоҳлаш, мақсадида ҳикоя қилинувчи ҳамда қадимги аجدодларимизнинг ўсимлик култи билан алоқадор мифологик тасаввурларини ўзида мужассамлаштирган ихчам сюжет қурилишига эга бўлган насрий асарлар туркуми фитонимик афсоналар дейилади. Ўзбек фольклоридаги фитонимик афсоналар мифологик насрнинг алоҳида ички типларидан бири сифатида махсус ўрганилган бўлмаса-да, Г.П.Снесарев, В.Н.Басилов, Р.Шоназаров, У.Жуманазаров, М.Чоршанбиев, Ш.Устоев каби олимларнинг тадқиқотларида²⁹ халқимизнинг дарахт култи билан боғлиқ эътиқодий инончлари, мифологик тасаввур ва афсоналари хусусида муайян илмий мулоҳазалар билдирилган.

Халқимиз орасида турли-туман ўсимликлар, дарахтлар ва буталарнинг пайдо бўлиши тўғрисида мифологик тасаввурларга асосланган фитонимик афсоналар кенг тарқалганлиги сабабли эътиқодий қарашлар тизимида ўсимлик култи муҳим ўрин тутди. Хусусан, Самарқанд вилоятининг тоғли ҳудуди қишлоқларининг чавандозларининг ўзларининг қамчиларига «дубулға» деган бутасимон дарахтнинг ёғочидан қамчи сопи ясагандилар. Чунки халқ орасида тарқалган мифологик тасаввурларга кўра, дубулға хосиятли ёғоч ҳисобланиб, агар остида кўк оти, устида кўк чопони, бошида кўк салласи, қўлида дубулға дастали қамчиси бор бўлган одам йўлда илонга дуч келса, ана шу қамчиси билан ҳар қандай катта илонга сермаса, агарчи қамчи бориб илонга тегмаса ҳам илон турган жойида ўлиб қолади деб ишонадилар³⁰.

Дўлана дарахтининг ёғочи ва мевасидан магик-шомонистик характердаги расм-русумларда фойдаланиш анъанаси туркий халқлар мифологиясига хос дарахт култининг ўзига хос талқинларидан биридир. Қорачой-болқарлар ҳам дўлана ёғочининг магик хусусиятга эгаллигига ишонадилар ва шу сабабли ҳам улар орасида бу дарахт новдаларидан тайёрланган тумор тақиб юришга одатланган кишилар кўп учрайди. Улар ҳар йили эрта баҳорда қўй-қўзилари ҳамда сигирларини тоғ яйловларига чиқаришдан аввал жониворларнинг шохига дўлана ёғочидан қилинган туморларни тақиб қўядилар. Айтишларича, бундай тумор чорва молларини

²⁹ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С.182-265; Басилов В.Н. Культ святых в исламе. – М.: Наука, 1970. – С.126-127; Шоназаров Р. Мукаддаслаштирилган ўсимликлар ва фан. – Тошкент: Фан, 1974. – Б.41-43; Жуманазаров У. Тарих, афсона ва дин. – Тошкент: Ўзбекистан, 1990. – Б.81-85; Чоршанбиев М. Ўзбек фольклорида дарахт билан боғлиқ тотемистик қарашлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1998. – 6-сон. – Б.32-33; Устоев Ш.У. Розоцветные деревья в обрядах населения горных районов Сурхандарьинской области // Труды Байсунской научной экспедиции. Вып.3. Археология, история, этнография. – Ташкент: Санъат, 2007. – С.166-172.

³⁰ Ўша жойда.

вахший ҳайвонлар хуружи ва ҳар хил касалликлардан сақлар эмиш³¹. Дўлана дарахти овдасидан тумор тайёрлаш анъанаси қирғизларнинг маросимларида ҳам қайд этилган³².

Ерга томган одам қонидан ўсимлик (дарахт) ўсиб чиқиши мифологик афсоналарнинг анъанавий мотивларидан бири ҳисобланади. Хусусан, лоланинг ранги қизиллигига кўра қонга қиёс қилиш асносида унинг пайдо бўлишини шаҳид бўлган маъбуднинг ерга томган бир томчи қони билан боғлаб изоҳлаш асосига қурилган мифологик тасаввур келиб чиққан. Этнограф олима О.Сухарева ёзиб олган «Лола» афсонасида ҳикоя қилинишича, қадим замонларда мушриклар бир художўй кишини ўлдириб, танасини пора-пора қилиб, ер юзига сочиб юборишибди. Шундан буён ҳар йили баҳорда ўша солиҳ кишининг қони томган жойлардан қип-қизил лола ўсиб чиқар эми³³. Афсона сюжетининг қадимий намунасида ўлиб-тирилувчи табиат тимсоли сифатида тасаввур қилинган маъбуд образи тасвирланган ва унинг ҳар йили кузда рамзий маънода уйкуга кетиши (яъни ўлиши) ҳамда баҳорда табиат уйғониши билан яна «қайта тирилиши»дан иборат тадрижий жараён билан алоқадор мифологик тасаввурлар илоҳ ва маъбудларнинг ўсимлик кўринишида намоён бўлиши мотивининг юзага келишига асос бўлган. Юқоридаги афсонадаги «қон»нинг лола гулига айланиши антропоморф (инсон) кўринишидаги маъбуднинг ўз шаклини ўзгартириб, ўсимликка эврилиши мотивининг мифопоэтик талқинидир.

Диссертациянинг учинчи боби «**Мифологик афсоналарнинг образлар тизими**» деб номланган бўлиб, унинг илк фаслида «**Тотемистик (зоофитоморф) мифологик образлар**» тадқиқ этилган.

Ўзбек халқ мифологик афсоналарининг образлар таркиби кўпқатламли бўлиб, мифологик насрда турли даврларга мансуб эътиқодий қарашлар, инонч-эътиқодлар, диний тасаввурлар ўз ифодасини топганлиги билан белгиланади. Шу боис, мифологик образлар эволюцияси а) табиат кучларини персонификациялаш, одам билан жониворлар ўртасидаги яқин алоқадорлик мавжудлигига ишониш, яъни тотемизм; б) табиат билан мулоқот қилиш ва турли магик характердаги хатти-ҳаракатлар ҳамда расм-русумлар воситасида унга таъсир кўрсатишга интилиш, яъни магия ҳамда шомонийлик; в) эзгулик ва ёвузлик кучларининг кураши билан боғлиқ дуалистик қарашлар; г) жоннинг турли кўринишда мавжуд бўлиши ҳақидаги анимистик тасаввурлар; д) ҳомий кучлар ва аждодлар руҳига сиғиниш каби эътиқодий қарашлар тизимини ўз ичига олади.

Миф воқеликни ифода этишнинг энг қадимги шакли бўлганлиги учун аотирий образларнинг дастлабки архетиплари зоонимик (жонивор шаклида) ёки фитонимик (ўсимлик шаклида) образлардан иборат бўлган. Шу

³¹ Маремшоева И.И. Эволюция этнического сознания карачево-балкарского народа: Дисс. докт. истор. наук. – Махачкала, 2002. – С.122.

³² Абрамзон С.М. Предметы культа казахов, киргизов и каракалпаков Материальная культура и хозяйство народов Кавказа, Средней Азии и Казахстана. – Л.: Наука, 1978. – С.58.

³³ Сухарева О.А. Празднества цветов у равнинных таджиков (конец XIX – нач. XX вв.) // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. – М.: Наука, 1986. – С.31-32.

боис, мифологик афсоналаридаги образлар тизимининг шаклланиши ва эволюцияси куйидаги босқичларни ўз ичига олади: тотемистик (зоофитоморф) образ → антропоморф мифологик образ → эпик (бадий) образ.

